1997 йил — инсон манфаатлари йили

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 1 январь Чоршанба. № 1 (14394)

1997 йилнинг унутилмас саналари:

Б. Клинтоннинг Ўзбекистонга берган баҳосию, АҚШ сармояси ва сармоядорлари билан бўлган ўзаро манфаатли ҳамкорлик...

«Ўзбекистоннинг ўз машинаси бор!». Буни 1996 йилда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси дарбозасидан чиққан «Нексия», «Дамас», «Тико»лар тасдиқлайди...

Йил давомида саноат маҳсулотининг 150 га янги турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Қобул-Тўйтепа-Текстайлз», «ЎзСаламан» каби юзлаб қўшма корхоналар, Қарши шаҳридаги тўқимачилик мажмуи фикримизнинг ойдин далили...



1996 йил юртимиз спортчилари учун олимп чўққилари сари илк қадам бўлди. К. Тўлаганов, А. Багдасаровлар ғалабалари шаънига Атланта осмонида байроғимиз ҳилпиради.

Биз энтикиб кутган янги 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. 71 минг мавжудотнинг улуғи саналган ИНСОН учун бу йил унутилмас кунлар иноом этсин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Янги йил оқшомида ҳар биримиз йил бўйи қилган ишларимизни сарҳисоб этиб, келгуси режаларни белгилар эканмиз, беихтиёр умр мазмуни, ҳаётнинг маноси ҳақида ўйлаймиз.

Биз айни лаҳзаларда шу кунларга етиб келолмаган яқинларимизни эслаймиз. Уларнинг руҳини шод этишга ният қиламиз.

Утган йил яратганнинг ўзи бизни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асради. Юртимизда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик яна-да мустаҳкамланди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди. Биз ўзлигимизни, ноёб қадриятларимизни чуқурроқ англадик. Ҳар бир ишимизда манавият устувор бўлмоқда.

Ҳаётимизда мустаҳкам жой олаётган эркин иқтисод қоидалари одамларнинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида янги имкониятлар, янги-янги манбалар барпо этмоқда. Инсон ўз қобилияти ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун замин яратилмоқда.

Утган йили миллатимизни жаҳонга танитиш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Дунё бизни танимоқда, биз ҳам дунёни англамоқдамиз ва жаҳон ҳамжамиятидан, башариятнинг ягона оиласидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш учун интилмоқдамиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Мана шу дақиқаларда барчамиз Янги йил дастурхонлари атрофида тўпланиб, халқимизга хос азалий фазилатларга кўра ўтган умримиздан рози бўлиб, шукур қилиб, айни вақтда эртанги кунга катта умид билан қарашимиз табиийдир.

Бошимиздан кечирган синовлар, катта қийинчиликлар, босиб ўтилаётган тараққиёт босқичлари, шубҳасиз, Янги-1997 йил учун мустаҳкам замин бўлиб, иқтисодиётимизда, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа тармоқларда, авваламбор, ҳар бир оила ва, умуман, жамиятимиз ҳаётида ўз ижобий таъсирини кўрсатиши муқаррар.

Олдимизда турган мақсадларга эришиш, ҳаётимизни янада барқарорлаштириш учун ўтмишимиздан керакли сабоқлар чиқариб, эски иллатлардан жудо бўлиш, бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириб, янгиланиш, покланиш йўлида янги, дадил қадамлар қўйиш бизнинг муҳим вазифамиз ва бурчимиз бўлмоғи зарур.

Азиз дўстлар!

1997 йилни мамлакатимизда инсон манфаатлари йили деб эълон қилганимизнинг асосий мақсади, бу биринчи навбатда — Дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратиш;

— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан бирга, ҳар бир одам ўзининг бир имкониятларини, ақл-заковатини тўла рўёбга чиқариши учун шарт-шароит барпо этиш;

— Давлат, жамият ёрдамига муҳтож оила ва одамларга етарли кўмак ва мадад бериш. Бундай муносабат орқали уларни ҳаётда адолат борлигига, бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган шиорини асос этиб олган давлатимизнинг қудратига ишончини мустаҳкамлаш;

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек энг олижаноб бурчимизга эътиборимизни кучайтириш, бунинг учун янги манбалар топиш;

— Савобли ишларни давом эттириб, бутун умри ҳалол меҳнатда ўтган нуроний отахонларимизни, мунис онахонларимизни рози қилиш, уларнинг дуоларини олиш бизнинг кундалик бурчимизга айланиши даркор.

Янги йил арафасида ўзимизнинг раҳбар сифатидаги, Президент сифатидаги масъулиятимни чуқур англаган ҳолда, Сиз азизларни ишонтириб айтаманки, бу мақсадлар давлатимизнинг ҳар қайси поғонадаги ҳокимият дастурларида марказий ўрин эгаллайди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун бор имкониятимизни, кучимизни, керак бўлса, жонимизни ҳам аямаймиз.

Ишонаманки, 1997 йил халқимизнинг, давлатимизнинг обрусига обру қўшади, озод ва обод Ватан қуриш йўлида янги босқич бўлади, иншоолло. Бунга бизнинг салоҳиятимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етади.

Бу мақсадларга эришиш учун барчамиз сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли, аҳил-баҳамжиҳат, шу билан бирга, қатъиятли ва шижоатли бўлишимиз керак.

Қадрли ватандошларим, юртдошларим!

Барчангизга мустаҳкам соғлик, тинчлик-омонлик тилайман. Янги йилингиз муборак бўлсин!

Янги йил ҳар қайси оила ва инсон учун бахт, файз-барака келтирсин!

Барчангизни Яратганимизнинг ўзи паноҳида сақласин!

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ярги йил арафасида республикамиз бўйлаб анъанавий «Президент арчаси» байрамлари ўтказилмоқда. Уларда келажагимиз ворислари — болаларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бу ҳар жиҳатдан баркамол ёш авлодни вояга етказиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг яна бир кўринишидир.

29 декабрь куни пойтахтдаги «Туркистон» саройи кичкинтойлар билан гавжум бўлди. Бу ерда анъанавий Президент арчаси томошалари ўтказилди. Унда Меҳрибонлик уйлари, турли интернат тарбияланувчилари, кўп болалик оилаларнинг фарзандлари қатнашди. Байрам қатнашчилари учун «Муъжизали олам» деб номланган театрлаштирилган томоша намойиш этилди.

Арча атрофида қувнаб ўйнаётган болалар ўзларини севимли эртаклардаги ғаройиб, муъжизали оламга саёҳат қилгандек ҳис этдилар. Таниш қаҳрамонлари билан учрашдилар. Шеърлар қўшиқларга, қўшиқлар эса рақсларга уланиб кетди. Президент совғалари топширилиши уларга айниқса чексиз қувонч бағишлади. Тантаналар байрам мушакбозлиги билан ниҳоясига етди.

Президент арчаси байрамида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

Ёшлар — юрт таянчи

«КАМОЛОТ»: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов «Туркистон» газетаси саволларига жавоб беради:

— Ҳотам Маҳкамович, Сиз билан ёшларимизнинг ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлган 1996 йил сарҳисоб қилинаётган ва келгуси йил режаларига асос солинаётган кунларда учрашиб турибмиз.

— Дарҳақиқат, утаётган йилда Ўзбекистон йигит-қизлари ҳаётида муҳим воқеалар кўп бўлди. Президентимиз «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонига имзо чекди, Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу ҳужжатларни бажариш юзасидан жамғармамиз ўз фаолият дастурини ишлаб чиқди. Президентимиз Фармони ва Қарорлари биз учун дастуруламал бўлгани ҳолда юртимизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида «Камолот» жамғармасининг бўлимлари тузилди. Натижада жамғарманинг 228 та бўлимларида 11 мингга яқин жамоатчилик марказлари ташкил қилинди.

— Ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш «Камолот» жамғармасининг дастурий вазифаларидан экан. Бу борада қандай ишлар бажарилди?

— Ёшларнинг ижтимоий масалалари, соғломлаштириш ва меҳнат билан банд қилиш муаммолари урганилиб, қатор вазирликлар, давлат органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида қўшма дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ёшларни иш билан банд қилиш, уларга бозор муносбатлари талабларига мос замонавий техника ва технологияларни ургатиш, касб эгаллашга кўмаклашиш мақсадида жамғармамиз қошида «Камолот-Бандлик» агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Меҳнат ярмаркалари ҳафталиги»да 28 мингта яқин ёшлар иш билан таъминланди, 2 мингта яқин ишсизларга эса ўқув курсларига йўлланма берилди.

Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, «Бизнес-Фонд» ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Камолот» жамғармасининг ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшма тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Жойларда бозор инновация муассасаларини ташкил этиш ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий бизнес асослари бўйича ёш тадбиркорлар тайёрлаш марказлари ташкил этилмоқда. Чунончи, Шаҳрисабз шаҳрида «Бизнес-инкубатор» иш фаолиятини бошлади. Бу ерда «Кичик ва ўрта тадбиркорлик негизида инновацион-технологик ривожлантиришнинг муаммо ва истиқболари» мавзуида Республикамиз ёш олимлари, тадбиркорлари, жамғарманинг вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирокида илмий амалий семинар ўтказилди. Ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, миллий халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКО нинг Узбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Уста-Шогирд» тадбирини ўтказиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди.

Янги иш жойларини ташкил этиш, ёшларга турли соҳаларда хизмат кўрсатиш ниятида жамғарма қошида «Камолот-УПФ», «Камолот-Лидер», «Камолот-Бандлик», «Камолот-I», «Камолот-Автосервис» каби 15 дан ортиқ фирмалар очилди. Бу фирмаларнинг Устав доирасидаги фаолиятини таъминлаш, кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида уларнинг инвестицион лойиҳаларига «Бизнес-Фонд» ва «Камолот» жамғармаси томонидан маблағлар ажратилмоқда.

— Соғлом авлодни тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини камол топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Қандай иш қилмайлик бу вазифани доимо назоратимизда ушладик. Ўтган давр мобайнида жамғарманинг бевосита иштирокида ёшларимиз ўртасида 20 дан ортиқ спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолибларга жамғарманинг совринлари ва эсдалик совғалари топширилди. Масалан, Хоразм ва Жиззах вилоятларида «Футбол ғунчалари» турнири, Тошкент шаҳрида кикбоксинг бўйича халқаро мусобақа уюштирилди. Кикбоксинг бўйича Узбекистон терма жамоаси Марказий Осиё очиқ биринчилигида жамғрамамиз ҳомийлигида қатнашиши таъминланди. Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабз-Тошкент йўналиши бўйича кўпкунлик супермарофон, Шаҳрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича халқаро турнир ўтказилди.

— Жамғармада халқаро ташкилотлар билан алоқалар ҳам йўлга қўйилган бўлса керак?

— Албатта. Ривожланган мамлакатлар ёшлар ташкилотлари иш тажрибасини ургариш йўлида кўплаб давлатларнинг Узбекистондаги ваколатхоналари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди ва ёшлар муаммоларини бартараф этиш борасида режалар тузилди.

Президентимиз ЮНЕСКО қароргоҳида сўзлаган нутқида Келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқиш юзасидан амалий таклифни ўртага ташлаган эди. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва уни амалга ошириш йўналишларини белгилаш мақсадида «Келажак авлод ҳуқуқлари: таклифлар, тавсиялар» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди ва мазкур масала бўйича жамғарманинг таклифлари тайёрланди. Шу йўналишда Фарғонада «Ёшлар ва Узбекистоннинг буюк келажаги» мавзуида илмий-амалий конференция, Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО ҳамкорлигида «Ёшлар ва Узбекистоннинг маънавий юксалиши» мавзуида 1-миллий семинар ўтказилди. Унда ёшларни маънавий камол топтириш, уларни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муаммолари муҳокама қилинди ҳамда ушбу масалалар бўйича амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ривожлантиришни режалаштириш нодавлат ташкилоти маъмурияти вакиллари билан учрашдик ва уларнинг халқаро ташкилотлар билан ўтказаётган тадбирларида «Камолот» жамғармасининг иштироки тўғрисида келишиб олинди. Германия ва Франция ёш мусиқашуносларига қўшма ансамблининг гастролларини ташкил этиш борасидаги вилоятлари ва Тошкент шаҳар бўлимларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди. Ёшларга ўқувлар ташкил этиш ва уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратиш юзасидан «Камолот» жамғармаси ва «Конрад Аденауэр» фонди ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. «Каунтерпарт Консорциум» ташкилоти билан 9 кунлик тренинг курслари очилди. Халқаро болалар маркази «Артек»да Узбекистонлик болалар ва усмирларни дам олдириш юзасидан шартнома тузилди. «Артек»да ўтказилган IV халқаро болалар кинофестивалида бир гуруҳ узбекистонлик ёшлар иштирок этди.

— Республикамиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони юзасидан жамғарма бажараётган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб бермоқчисиз.

— Ёшларни ҳар томонлама камол топиши, улардаги чуқур билим, юксак маънавиятни янада ривожлантириш мақсадида яқинда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан узаро шартнома имзоладик. Бундан ташқари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармалари ва қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда талай режалар ишлаб чиқдик ҳамда анчагина тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Қизлар ҳаёт бўсағасида» республика кўрик-танлови ўтказилди. Соҳибқирон ҳаётига алоқадор тарихий ҳужжатларни урганиш мақсадида жамғарма қошида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедицияси ташкил этилди. Бу экспедиция фаолияти натижасида ҳозирги вақтга қадар йигирма қисмдан иборат ҳужжатли фильм суратга олинди, китоблар чоп этилди, кўргазмалар очилди. «Республика ёш ижодкорлари» клуби ташкил этилди. Унинг йиғилишларида 300 дан зиёд ёш шоир ва ёзувчиларнинг асарлари муҳокама қилиниб, сараланиб тўплам ҳолида нашр эттиришга тайёрланмоқда.

Мен жамғарма ташкил этилгандан буён ўтган қисқа муддатда бажарилган айрим ишлар хусусидагина тўхталдим. Аммо, қилинган ишларимиздан ҳам ҳали амалга оширишимиз зарур бўлган тадбирларимиз, вазифаларимиз жуда кўп. Энг муҳими, жамғарма бошқаруви, унинг минглаб фаоллари Президентимиз кўрсатмаларини дилга жо қилиб, келгуси йилдан ўз фаолиятларини янада жонлантириб, ҳар бир йигит ва қизни ўз таъсирига олишни ният қилган. Ёшларнинг кўнглига йўл топиб, уларнинг куч ва ғайратларини мустақил Узбекистон равнақи йўлида сафарбар этишларига ҳаракат қиламиз.

Имкониятдан фойдаланиб, «Камолот»нинг оёққа турибдаги ёшлар ҳаётидан ўз ўрнини топиб олишига ҳам моддий ҳам маънавий ёрдамларини аямаган, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларини, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарларини, қалби юрт меҳри билан ёнган мамлакатимиз ёшларини янги йил билан қутлаймиз. Янги йилда уларга барча эзгу ниятлари йўлдош бўлишини тилайман.

Қанотли хабар

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Узбекистон Республикаси Конституциясининг тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимиз ёшларининг «Камолот» жамғармаси ўтказган танлов якунланганидан хабарингиз бор. Бу викторинага республикамизнинг турли жойларидан минглаб жавоблар олдик. Ҳакамлар ҳайъати уларни саралаб, ғолибларни аниқлади. Газетамизнинг аввалги сонларида зукко ўқувчиларимизнинг номлари эълон қилинган.

Куни кеча «Камолот» жамғармаси биносида ғолибларни табриклаш маросими бўлиб ўтди. Совриндорларга мукофотларни жамғарма бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов топширди. Шунингдек, маросимида СамДУ профессори, тарих фанлари доктори Ф. Хайдарова, Яккабоғ районидаги 1 сон ўрта мактаб ўқитувчиси Б. Юсуповлар сўзга чиқиб, ғолибларни табриклашди.

Йиғилишда «Камолот» ёшлар жамғармасининг Узбекистон ёшлари орасида олиб бораётган ишлари, ёшлар маънавиятининг юксалишига қўрсатаётган таъсири ҳақида гапирилди. Бундай танловнинг айнан Республикамиз бош қомуси — Конституцияга бағишлангани эса ёшлар ҳаётида катта аҳамият касб этади. Зеро, «Камолот» — ёшлар жамғармаси. Ёшлар учун эса Конституция асосий келажак дастури вазифасини ўтайди.

(Ўз мухбиримиз).

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

«Туркистон» газетаси таҳририяти ўзининг «Йилнинг энг яхши журналисти» анъанавий танловини якунлади. Танловда 1996 йилда республика ёшларининг амалга ошираётган иш фаолиятини атрофлича ёритиш борасида қилинган ишлар ҳисобга олинди. Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, 1996 йилнинг энг яхши журналисти шоҳсупасига Мактаб, фан ва олий таълим бўлими мухбири Лайло КАРИМОВА, иқтисод ва ҳуқуқ бўлими мухбири Назокат УСМОНОВА кўтарилдилар.

«Камолот» бошқаруви раиси Ҳ. Абдураимов ғолибларга жамғарманинг қимматли совғаларини топширди.

«ТУРКИСТОН»ЧИЛАР

ЁРУҒ ЙЎЛ

Икромжон ШАРОФУТДИНОВ,
Ўзбекистон Ёшлари «Камолот» жамғармаси
Наманган вилоят бўлими раиси:

«Камолот» жамғармасининг ташкил топиши ёшлар ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Шиддатли кечаётган бозор иқтисодиёти шароитида усиб-улгаяётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ҳаётидаги муаммо, қийинчиликларни батараф этиш учун кўмаклашишда жамғарма бир таянч вазифасини ўтамоқда.

Жамғарма ёшлар мамлакат истиқболи учун фидойи, маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳамиша жонкуяр бўлиб қолишига ишонаман. «Камолот» — ёш ташкилот. У ҳали йўл бошида турибди. Мақсадлари улуғ. Жумладан, ёшлар ташкилотимиз фаолиятига назар ташласак, ушбу шаклланиш жараёнида қўлдан келгунча ишларни амалга оширишга интилдик. Ёшларни маънавий қўллаб-қувватлаш борасида вилоят миқёсида турли соҳа-мавзуларга бағишланган кўрик-танлов, қизиқарли кечалар, байрам саналари муносабати билан тантаналар, хайр-саховат кунлари каби тадбирлар ўтказилди. Ёшларни тадбиркорликка ургатиш, ишбилармонлик режаларини амалга оширишда ҳам қатор чоралар кўрилди. Вилоят бўйича 25 та кичик корхоналар барпо этилди. Уларда 115 нафар йигит-қиз фаолият кўрсатмоқда. Вилоят меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 512 нафар ёш иш билан таъминланди.

«Камолот»нинг жамоатчилик марказларини шакллантириш борасида ҳам кенг фаолият кўрсатилмоқда. Бунда Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, 1996 йил ҳам якунланди. Ушбу йилда нималарга улгурдик ёки улгурмадик. Бу табиий ҳол. Чунки биз учун ишлар энди бошланди.

Узбекистоннинг барча камолот ёшидаги йигит қизларининг энди бошланаётган Янги 1997 йили файзли бўлишини тилаб қоламан.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ ТАНЛОВИНИНГ 1997 ЙИЛГИ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат комитетида Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 57-сон Қарори билан тасдиқланган «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари тўғрисидаги Низоми ва уларни тайинлаш тартиби»га биноан даъвогар 3-курс аспирантлари орасида танлов ўтказувчи комиссия Давлат илмий-техника сиёсатининг муҳим 5 та йўналиши бўйича танлов ўтказиб, ғолиб аспирантларни Ўзбекистон Президентининг давлат стипендияларига тавсия этди.

Ўзбекистон Фан ва техника давлат комитети ўзининг 1996 йил 27 декабрдаги Қарори билан қуйидаги 5 та йўналиш бўйича танлов комиссияси тавсия этган 5 та иқтидорли аспирантни Ўзбекистон Президентининг 1997 йилги давлат стипендиаталари деб тасдиқлади.

1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш:

КАРИМОВ Неъматулла Фатхуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг 3-курс аспиранти.

1988 йили Тошкент шаҳри, Акмал Икромов туманидаги 75-ўрта мактабни «аъло» баҳоларга битирган.

1993 йили Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини «Ҳалқаро бухгалтерлик ҳисоби ва аудит» ихтисослиги бўйича битирган.

1992-1994 йиллари «Ипак йўли» ва «Турон» акционер тижорат банкларида етакчи мутахассис бўлиб ишлаган.

Инглиз ва турк тилларини мукаммал билади.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Рисклар ва тижорат банклари фойдаларини шакллантириш муаммолари».

Илмий раҳбари: Тоҳир Маликов — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуи бўйича 2 та рисола ва 7 та илмий мақола чоп этилган. Ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар иштирокчиси.

2. Агросаноат мажмуаси:

ИСМАТОВ Суннатилло Шамсуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг 3-курс аспиранти.

1988 йили Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 16-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан битирган.

1994 йили Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг «Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» ихтисослиги бўйича

«имтиёзли» диплом билан битирган.

1994 йили Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтига «Ёғлар, эфир мойлари ва атир-упа маҳсулотлари технологияси» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Усимлик мойларини ишқорий муҳитда тозалашнинг янгича усулларини жорий этиш ва унинг илмий асослари».

Илмий раҳбари: Қаҳрамон Мажидов — техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуи бўйича 12 та илмий мақола, шу жумладан 6 таси хорижий журналларда чоп этилган, 2 та илмий изланишлар натижаси ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қабул қилинган. Ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар иштирокчиси.

3. Энергетика, ресурслар, саноат:

ФАЙЗУЛЛАЕВ Нормурод Ибодуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд Давлат университетининг 3-курс аспиранти.

1987 йили Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги 32-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан битирган.

1994 йили СамДУни «Химик ўқитувчи» ихтисослиги бўйича «имтиёзли» диплом билан битирган.

1993 йили кимё соҳаси бўйича республика талабалари олимпиадаси ғолиби.

1994 йили СамДУга «Аналитик кимё» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Газохромотографик усулда метаннинг ҳаво кислороди билан конденсация реакциясини ўрганиш».

Илмий раҳбари: Қодир Муродов — техника фанлари номзоди, доцент.

Диссертация мавзуи бўйича 2 та илмий мақола муаллифи. Республика илмий анжуманлар иштирокчиси.

4. Соғлиқни сақлаш ва экология:

УСМОНОВА Шаҳноза Эркиновна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, II Тошкент медицина институтининг 3-курс аспиранти.

1986 йили Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳир туманидаги 20-ўрта мактабни битирган.

1992 йили II ТошДМИни «Даволаш» ихтисослиги бўйича «имтиёзли» диплом билан битирган.

1992-1994 йиллари «Ички касалликлар пропедевтикаси» кафедрасида клиник-ординатура ўтган.

1994 йили II ТошДМИга «Ички касалликлар» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини лазертерапия усуллари билан даволашда умумий ва маҳаллий иммунитет курсаткичлари».

Илмий раҳбар: Эркин Қосимов — медицина фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуи бўйича 12 та илмий мақола чоп этилган. Республика миқёсидаги илмий анжуманлар иштирокчиси.

5. Ахборот технологиялари ва бошқарув:

ОНОРБОЕВ Баҳодиржон Очилбоевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, «Кибернетика» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги Кибернетика институтининг 3-курс аспиранти.

1988 йили Фарғона вилояти, Данғара туманидаги «Ойбек» номидаги ўрта мактабни «кумуш» медаль билан битирган.

1993 йили ТошДУни «Математик ўқитувчи» ихтисослиги бўйича битирган.

1993 йили ЎзРФА «Кибернетика» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги Кибернетика институтининг аспирантурасига кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Ишлаб чиқариш ва технологик модулларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш учун «К — бошқарувчилик» усулини яратиш ва қўллаш (машинасозликда механик ишлов бериш жараёнлари мисолида)».

Илмий раҳбари: Зоир Шамсиев — техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуи бўйича 7 та илмий мақола чоп этилган. Ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар иштирокчиси

Умид қиламизки, 1997 йилги танлов ғолиби бўлган бу аспирантлар республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ёшларга билдираётган ишончларини юксак даражада оқлайдилар.

Ўзбекистон фан ва техника давлат комитети, республика илм аҳли бу иқтидорли, келажаги порлоқ ғолиб аспирантларни, уларни намунали тарбиялаган ота-оналарини, таълим берган мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчилари-профессорларини, илмий раҳбарларини ҳамда олий ўқув юрти ва илмий текшириш институтлари раҳбарларини катта муваффақият билан табриклайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат комитети.

Дилдаги гаплар

«КИТОБ ЁЗСАМ... ЎҚИМАЙСИЗМИ?»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Тафаккур» журналининг Бош муҳаррири, ёзувчи Эркин АЪЗАМ билан суҳбат

— Эркин ака, кейинги пайтда маънавият, қадр-қиммат, инсоний тафаккур тушунчалари ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. Хатто маънавият масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Ёзувчи сифатида, қолаверса, жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида бу ҳолни қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Зарифахон, келинг, ана уша «кўп гапирилаётган» маънавият ҳақида биргаликда мушоҳада қилиб кўрайлик. Хўш, нимага энди шу нарса бирданига бутун фикр-зикримизни эгаллаб олди? Маънавият дегани ўзи нима?

Маънавият — ИНСОНни бошқа жонзотлардан, аниқроғи, ҳайвондан ажратиб турувчи юксак мақом. Баъзан айрим кишиларга нисбатан «маънавиятсиз» деган сўз ишлатилади. Бу тўғри эмас. Чунки ҳар бир инсонда муайян даражада маънавият булади. Кимдадир юксакроқ, кимдадир бундайроқ... Маънавият — маъно дегани аслида. Лекин бу «маъно» нимага хизмат қилади? Эзгуликками ёки... Гап ана шунда!

Биласиз, оилада ё энг кенжа фарзандга, ёки касалманд болага кўпроқ эътибор берилади. Таъбир жоиз бўлса, собиқ тузум даврида бизнинг маънавиятимиз ҳам ана шу касалманд бола ҳолига тушиб қолган эди. Уни соғлом ҳолга келтирмай туриб, унга етказилган жароҳатларни даволамай туриб, мустақил давлатимизнинг бундан кейинги истиқболини белгилаш қийин кечарди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бу соҳага алоҳида эътибор бераётгани ҳам, маънавият ва маърифатни ривожлантириш ҳақида алоҳида Фармон эълон қилгани ҳам аслида шундан...

— Собиқ Иттифоқ даврида бизнинг бой ва такрорланмас анъаналаримиз маънавий бойликларимиз дарз кетди, дедингиз. Сизнингча, бу нарса кўпроқ нималарда аён бўлди?

— Ҳалол билан ҳаром қоришиб кетди... Бир тоифа одамлар фақат фойда кетидан қувишга, қандай йўл билан бўлмасин, мавжуд қонунларга чап беришга ўрганиб қолдилар. Хусусийлаштириш баҳона, тадбиркорлик баҳона давлат мулки, халқ мулки бўлган нарсаларни ими-жимида умариш ёки ўзлаштириш ҳоллари ҳозир ҳам йўқ эмас... Тўғриси, хусусийлаштириш эмас, шахсийлаштириш бўляпти айрим жойларда. Бу — биз қалбимиздан, онгимиздан ситиб чиқаролмаётган, етмиш йиллик истибдод тузумидан мерос бўлиб қолган иллат! Биз бундан қутулмас эканмиз, атрофимиздаги ҳар бир инсон олдида, жамият олдида бурчли эканлигимизни ҳис қилмас эканмиз, ўйлаган мақсадларимизга эришиш ҳақидаги гаплар ойдин сўз бўлиб қолаверади. Шукрки, маънавият ҳақида қайғурадиган, иймонли, эътиқодли кишиларимиз кўпайиб боряпти...

— Миллий маънавият деган тушунча ҳақидаги фикрингиз.

— Маънавият — аслида умуминсоний ҳодиса. Масалан, ҳаром йўл билан топилган молдунёни биз ҳаром ҳисоблаймиз. Худди шу нарсани дунёнинг нариги чеккасидаги дини, миллати бошқа бўлган одам ҳам «ҳаром» дейди. Ўғриликни биз ҳам қоралаймиз, улар ҳам! Аммо бизнинг миллий маънавиятимиз исломий маънавиятга асосланиши билан бошқа халқлар маънавиятидан ажралиб туради. Яъни, катталарга ҳурмат, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, қариндош-уруғчилик, ёр-биродарлик... Бир оғайним бор. Камтар-камсуқум. Таниш-билишларнинг бирор йиғинидан қолмайди. Шу одам қишнинг аёзли кунида тўй қилди. Иккилана-иккилана бордим. Шу совуқда ким ҳам тўйга келарди, деб ўйлаган эдим. Қарасам, тумонат одам... Казо-казолар ҳам, қуни-қўшнилар ҳам, қариндош-уруғлар ҳам шу ерда. Чунки, у ҳали айтганимдек, таниш-билишлар бетобланиб қолса, бошига яъни ёмон кун тушса, ҳаммамиздан аввал хабар олгувчи эди... Дунё ана шундай ҳисоб-китобли. Меҳр-оқибатда гап кўп!

— Эркин ака, маълумки, йўқолган қадриятларни тиклаш, янги миллий маънавиятни шакллантириш масъулияти кўпроқ адабиёти, ижодкорларимиз зиммасига тушади. Бунга муносабатингиз.

— Шоир Хуршид Даврон телевидениедаги чиқишида жуда ажойиб бир мажоз ишлатди. Яъни, қуёш нури фақат ҳаётбахш эмас, унинг таркибида зарарли унсурлар ҳам бор. Ана шу зарарли унсурлардан бизни, биз яшаётган заминни азон қатлами муҳофаза қилиб туради. Шоир жамият тизимидаги зиёлиларни ана шу азон қатламига ўхшатди. Демак, зиёлиларимиз етарли даражада қадрланиши лозим. Демоқчиманки, шоир айтган азон қатламнинг сийраклашувига, заифлашувига йўл қўймаслик керак.

— Мана, сиз ўзингиз ҳам ижодкор кишисиз. Лекин негадир кейинги пайтда янги асарларингизни ўқимаяпмиз?

— Бу савол билан бир воқеани ёдимга солдингиз. Бир куни таниқли олим, ўзини зиёли ҳисоблайдиган бир одам билан суҳбатлашиб ўтириб, ёзмоқчи бўлиб юрган нарсам ҳақида сўз очдим. У мийигида кулди-да: «Э, Эркинжон, ёзган китобингизни бугун ким ҳам ўқирди?», — деди. Мен ёзажак китобимни ўқимасликлари мумкинлигидан эмас, бу гапни айнан зиёли одам айтганидан хафа бўлдим. Ва «Ёзсам, ўқиладиган китоб ёзаман», дедиму, суҳбатга чек қўйдим. Лекин, тўғриси, иштибоҳлар оз эмас... Ишқилиб, маънавиятимизнинг, мустақил юртимизнинг тақдири шундайларга қолсин!

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Зарифа ЭРАЛИЕВА

ЎЗБЕКОНА ҒУРУР ИЛА

Бугунги кунда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг Асакада бунёд этилганлигини билмайдиган мамлакат йўқ. Мен ўз корхонам билан қанчалар фахрланишимни тасаввур қилинг-а! Ахир кечагина тушимизга ҳам кирмаган компьютерлар, роботлар билан бугун бемалол ишлаяпмиз. Биз уч ака-ука Кореяда ўз билимларимизни мустаҳкамлаб қайтдик. Оддийгина қишлоқда ўқиб вояга етганмиз. Ҳозир Ҳасан, Ҳусан акаларим корхонанинг энг мураккаб участкасини — пресслаш ва пайвандлаш цехини бошқаришяпти. Мен ҳам уларнинг изидан боряпман. Ҳозир корхонада 15 нафар кореялик мутахассис қолди, холос. Ҳамма ишни ўзимизнинг йигитлар уддалашмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида заводимизда 125 минг 180 та автомобиль ишлаб чиқарилди. Шундан 67 мингтаси «Нексия»дир. Бу автомобилга жаҳон бозорида талаб катта. Ҳозирнинг ўзида бир неча мамлакатлар билан шартномалар тузилган.

Қўшма корхонамиз янги йилдан бошлаб Андижонда ташкил қилинган «Ўз-Тонг-Хонг», «Ўзкорам» қўшма корхоналари билан ҳамкорлик қила бошлайди. Бу ишлаб чиқариш суръатини янада оширади. Корхонамизда ишчиларга яратилган шароит, моддий манфаатдорлик кўнгилдагидек. Эртамиздан кўнглимиз тўқ. Ўзбек йигитлари ўзларининг нақадар иқтидорли ва салоҳиятли эканликларини намойиш этмоқдалар. Улар ўз меҳнатларини ўзбекона ғурур билан бажармоқдалар.

Шермуҳаммад ҚОСИМОВ, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишчиси.

ЙИЛИНГДЕК ЙИЛЛАР КЕЛСИН, СИНГЛИМ!

(15 ёшда талаба бўлган Умида Мирзаёровага Янги йил табриги)

Шу пайтгача мен Тумарису Нодирабегимларга ҳавас қилардим, ғурурланардим. Уларнинг тарихни ларзага келтирганидан эмас, ўзбек бўлганидан, ўзбекнинг аёли бўлганидан. Бугун эса, синглим, Умидахон, сенга ҳавасим келди. Ҳўп-да, ҳар ким ҳам 15 ёшида талаба бўлиб ўқисин-чи. Яна унча-мунча институт эмас, Жаҳон тиллари университетининг талабаси.

1996 йил сарҳисобида, ҳаётингда анча-мунча янги эшиклар очилганини англагандирсан. Мактабдош-синфдошларинг меҳрибон устозларинг билан хайрлашувингни бир буюк армон билан;

Илк марта университет остонасига қадам қўйганингдаги ҳаяжонларингни илиқ табассум билан;

Тест Опа деб атаган курсдошингни сенга кичкина қиз каби муносабатидан оғринган кўнглингни афсус билан;

45 минутлик дарс ўрнига алламаҳалгача давом этадиган «парда»ли лекцияларни биринчи бор зерикиш билан тинглаганинг эсингдами?

Буларнинг ҳаммасига ўтмишнинг — 1996 йил якун ясади. Биламан, булар ҳаммаси сен учун унутилмас. Йилнинг ҳар бир куни, ҳар бир они. Сезиб турибман, 15 йиллик умрингда 1996 йилдай йилни кутмагансан.

Умида, мен сенга Янги йил табригини йуллаётган эканман, шу йилингдек омадли йиллар сени тарк этмаслигини тилаб қоламан.

Сенга ҳавас билан табрик йўлловчи опанг ЛАЙЛО.

Талабалар ўртасида ўтказилган «Ўзбекистон ватаним, ифтихорим ва шарафим» деб номланган Республика танлови якунлари чиқарилди. Мазкур танлов йил бошида Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб -қувватлаш Республика жамғармаси томонидан эълон қилинган эди. Танлов уч йўналишда — назм, тасвирий санъат ва публицистика бўйича ўтказилди.

Тошкент автомобил йўллари институтида танлов ғолибларини тантанали равишда мукофотлаш маросими бўлди. Уларни қутлаш учун Республика олий ўқув юртлари ва ижодий уюшмалар вакиллари кетишди. Ҳар уч йўналиш бўйича ҳакамларга бошчилик қилган Узбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Узбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Узбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, Республикада хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқовлар танлов ғолибларига дипломлар ва махсус нишонларни топширдилар.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар талабаларнинг келажакдаги мутахассисликларига бевосита алоқадор бўлиши шарт эмас эди. Масалан, тасвирий санъат бўйича танлов ғолиби Марат Мирзаев Тошкент давлат техника университетининг муҳандислик-иқтисодиёт факультети бешинчи курс талабасидир. У саноат дизайни кафедрасида таълим олади. Унинг муйқаламига мансуб ғузал табиат манзаралари ва акварелда чизилган тасвири ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланди. Унинг ўзига хос услубда яратилган асарларида Самарқанд ва Хивадаги қадимий тарихий ва она юртнинг фусункор табиати бетакрор буёкларда жилваланиб турибди. Бу асарлар бир неча ой илгари талабалар шаҳарчасидаги маданият саройида ёш рассомнинг илк ижодий кўргазмасида намойиш этилган эди. Кўргазма томошабинларда, жумладан, Марат Мирзаевнинг курсдоши Азиз Азизқориев Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан уюштирилган «Истеъдодларни излаймиз» республика танлови ғолиби бўлди.

Бу талабаларнинг муваффақиятга эришувида Техника университетининг ижтимоий таълим факультети декани, саноат дизайни кафедраси доценти Маргарита Ахмедбекованинг ҳиссаси бор, албатта. Бу ерда ишлаётган ўқитувчиларнинг талабаларда юксак маданиятни қадрлай олиш фазилатларини тарбиялаш ҳамда ижтимоий фанларни ўрганишга қизиқиш уйғотиш борасидаги жонкуярликлари туфайли университет талабалари чет тиллари бўйича талабалар ўртасида ўтказилган Республика олимпиадаси ғолиби бўлди. Ўтган йили ҳам улар Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган «Ватанни севмоқ — иймондандур» республика танловида совринли ўринлардан бирини эгаллаган эди.

— Факультетимиз техника олий ўқув юртида фақат малакали мутахассислар эмас, балки ҳар томонлама билимдон мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 1995 йилда ташкил этилган эди, — дейди М. Ахмедбекова. — Биз фақат ўз касбига доир илм билангина чекланиб, бошқа соҳалардан бехабар бўлган мутахассис ўз ватанининг муносиб фуқароси эмас деб исботлаймиз. Ёшларни миллий маданиятнинг энг ёрқин намуналари асосида, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир инсоннинг бурчидир. Ҳозир талабаларимиз янги йилда бошланадиган «Маънавият — қалбим қуёши» Республика танловида иштирок этиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Ишонаманки, бу беллашувда ҳам талабаларимиз юзимизни ерга қаратмайди.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Маънавият — қалбим қуёши

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА ДИЛЛАР

ЁШЛИК — УМР БАҲОРИ

1996 йилнинг унутилмас воқеаси — беш ой Ҳиндистондаги оммавий-ахборот воситалари институтида таҳсил олиб қайтганлигим. Бу институтда биз билан дунёнинг ўн етти мамлакатидан журналистлар таҳсил олди. Узбекистондан ўн киши эдик. Бир гапни айтиб ўтиш баҳонасида айни янги йил арафаси буни эслаяпман. Узбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрами кунлари Деҳлида эдик. 1 сентябрь куни биз — узбекистонликлар дунёнинг ўн олти мамлакатидан келган журналистлар билан биргаликда Узбекистоннинг мустақиллик кунини нишонладик. Бошқа миллат вакилларининг узбекча мусиқага рақс тушиб, «Лонг Лив, Узбекистон», яъни «Яшасин Узбекистон!» дея қичқиришлари бизни шундай тулқинлантирдики, ҳали-ҳануз уша куннинг кайфияти кунглимизни тарк этгани йўқ...

Янги йил арафасида ҳамма ўтган йилда қила олмаган ишларни янги йилда амалга ошириш режаларини тузади. Бу фурсат, аслида шуниси билан қизиқ.

Менинг ўйлашимча, Янги йил арафасида эски йил сарҳисобини қилиб, ютуқлар билан ўзимни овутишга ҳам, эҳ, шунча ишлар қилинмасдан қолиб кетди, дея укинишга ҳам ҳожат йўқ. Негаки, яхши кунлар ваъда этаётган Янги йил олдинда.

Фарҳод АРЗИЕВ, талаба

Узбекистон Республикаси „Камолот" жамғармасининг „Туркистон" жамоаси ҳўрмдошларимизни янги йил билан қутлайди.



1997 йил

ЯНВАР	АПРЕЛЬ	ИЮЛЬ	ОКТЯБРЬ
Д 6 13 20 27	Д 7 14 21 28	Д 7 14 21 28	Д 6 13 20 27
С 7 14 21 28	С 1 8 15 22 29	С 1 8 15 22 29	С 7 14 21 28
Ч 1 8 15 22 29	Ч 2 9 16 23 30	Ч 2 9 16 23 30	Ч 1 8 15 22 29
П 2 9 16 23 30	П 3 10 17 24	П 3 10 17 24 31	П 2 9 16 23 30
Ж 3 10 17 24 31	Ж 4 11 18 25	Ж 4 11 18 25	Ж 3 10 17 24 31
Ш 4 11 18 25	Ш 5 12 19 26	Ш 5 12 19 26	Ш 4 11 18 25
Я 5 12 19 26	Я 6 13 20 27	Я 6 13 20 27	Я 5 12 19 26
ФЕВРАЛЬ	**МАЙ**	**АВГУСТ**	**НОЯБРЬ**
Д 3 10 17 24	Д 5 12 19 26	Д 4 11 18 25	Д 3 10 17 24
С 4 10 18 25	С 6 13 20 27	С 5 12 19 26	С 4 11 18 25
Ч 5 12 19 26	Ч 7 14 21 28	Ч 6 13 20 27	Ч 5 12 19 26
П 6 13 20 27	П 1 8 15 22 29	П 7 14 21 28	П 6 13 20 27
Ж 7 14 21 28	Ж 2 9 16 23 30	Ж 1 8 15 22 29	Ж 7 14 21 28
Ш 1 8 15 22	Ш 3 10 17 24 31	Ш 2 9 16 23 30	Ш 1 8 15 22 29
Я 2 9 16 23	Я 4 11 18 25	Я 3 10 17 24 31	Я 2 9 16 23 30
МАРТ	**ИЮНЬ**	**СЕНТЯБРЬ**	**ДЕКАБРЬ**
Д 3 10 17 24 31	Д 2 9 16 23 30	Д 1 8 15 22 29	Д 1 8 15 22 29
С 4 11 18 25	С 3 10 17 24	С 2 9 16 23 30	С 2 9 16 23 30
Ч 5 12 19 26	Ч 4 11 18 25	Ч 3 10 17 24	Ч 3 10 17 24 31
П 6 13 20 27	П 5 12 19 26	П 4 11 18 25	П 4 11 18 25
Ж 7 14 21 28	Ж 6 13 20 27	Ж 5 12 19 26	Ж 5 12 19 26
Ш 1 8 15 22 29	Ш 7 14 21 28	Ш 6 13 20 27	Ш 6 13 20 27
Я 2 9 16 23 30	Я 1 8 15 22 29	Я 7 14 21 28	Я 7 14 21 28

КАЛИФОРНИЯДА ЎҚИШ...

...Ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Наманган шаҳридаги 6-гимназия ўқувчиси Наргиза Охунбобоева эса хорижда ўқиш бахтига муяссар бўлди.

Наргиза 9-синфни битиргач, ўқитувчиларининг унга бўлган ишончи туфайли Ўзбекистондан юборилган бир гуруҳ ёшлар сафида Америкага бориб, унинчи синфни ўша ерда давом эттирди.

Океан ортидаги Диёр таассуротлари бир дунё. Даставвал Наргиза инглиз тилини яхши биламан деб юрар эди. У ерга боргач эса дуч келган илк қийинчилиги шу бўлдики, инглизлар тез-тез сўзлашгани учун гап нима устида бораётганини фаҳмлай олмади. Яхшики, бу ҳол 1-2 ой ичида ўтиб кетди.

Америкалик болалар мактабда 12 йил ўқишар экан. Ёзги таътил 2 ой — июнь ойининг ўртасидан августнинг 15-кунигача бўлар экан. 15 августдан янги ўқув йили бошланади. Кичик танаффус — 5 минут катта танаффус 45 минут. Ҳар куни 3 пара — 6 соат дарс ўтилади. Дарслар фақат техника воситалари, телевизор, видеоаппарат, компьютерлар орқали бўлади. Дарс давомида чарчаб қолсангиз, фильм кўришингиз ёки саёҳатга чиқишингиз мумкин. Машғулотлар бошлангандан сўнг барча ўқувчилар қатори Наргизага ҳам фанларни танлаб олиш имкониятини беришди. У компьютер, инглиз тили, тарих, анатомия, француз тили ҳамда жимоний тарбия фанларини танлаб олди. Шу соҳалар бўйича чуқур билим олишга астойдил ҳаракат қилди.

Пассификграф шаҳрида тўққиз ой давомида олган сабоқларим туфайли жонли тилда бемалол сўзлашадиган бўлдим. Мактабни битиргач, Тошкент халқаро алоқалар олийгоҳида таҳсил олиб, юртимизга чин дилдан хизмат қиладиган мутахассис бўлмоқчиман. Мустақиллик бахтига эришмаганимизда биз ёшларга бундай имкониятлар ҳеч қачон бўлмасди», — дейди Наргиза фахр ва ишончдан кўзлари ёниб.

МУҲАРРАМ ёзди.

СИГИР ЙИЛИ

Сигир йилида туғилганлар сабр-тоқатли, камгап, ишончга лойиқ, вазмин, ижиллаган, яхши феъл-атворли кишилардир. Бироқ вақти-вақти билан ўзларини тута олмай қолиши мумкин. Бундай кезларда эҳтиёт бўлиш керак, чунки уларнинг ғазаби қўзиганда чек-чегарани билмайди. Баъзан чсодда қиёфада бўлишса-да, ақл-закавот соҳиби ҳамда чуқур мулоҳаза юрита олиш қобилиятига эга шахслардир. Одатда камгап, бироқ илҳом келганда гапдон бўлиб кетишади. Улар жисмоний жиҳатдан бақувват, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга бардошли бўладилар. Ўзларгоиг қаршилик кўрсатилишини ёқтирмайди, ўжар ва бошлаган иши муваффақиятсизликка учраса, бунга чидолмай, ўзларини қўярга жой тополмай қолишади. Жаҳли тез ва кайфиятини бузадиган ҳар қандай янгиликка душмандир. Ўз ҳукмини ўтказадиган, айни пайтда, урф-одатларга, расм-русмларга, ақидаларга ихлосманд кишилардир.

Савдо-сотиқ ва ижтимоий муносабатларда паст-баландни яхши ажрата олишмайди, сиҳат-саломатлигига таъсир кўрсатадиган, осойишталикларини бузувчи, яъни сафар қилиш ёки иш жойларини ўзгартириш билан боғлиқ касблар уларга тўғри келмайди. Афсуски, ўжарлиги ва эскилик тарафдори бўлганликлари туфайли камдан кам одам уларнинг феъл-атворига тушуниб етади.

Турмушларида оила катта аҳамият касб этади. Болаларини яхши кўриб, улар билан фахрланишади, буйруқ беришга ўрганганликлари сабабли уларга ҳам тез-тез қўполлик қилиб туришади. Шунга қарамай, сигир йилида туғилганлар ўз оиласида бахт-саодат келтирувчи ҳақиқий меҳнаткаш кишилардир. Эркин касбларгина уларга қўл келади, лекин яхши раҳбар ҳам бўлиши мумкин. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида миришкордир. Ушбу мучал аёллари ўз оилалари учун жон куйдиришади, оилда келажаги учун уни қаттиққўллик билан бошқариб боришади.

Ушбу йилда туғилган аксарият эр-хотинлар хушмуомала, садоқатли, хиссиётли бўлиши билан бирга сира хаёлпараст бўлишмайди. Болалик ва ёшлик чоғларида катта воқеа сифатида ёдда қоладиган деярли ҳеч нарса юз бермайди. Кексайганларида мушкул аҳволга тушиб қолишлари мумкин, аммо уни бартараф эта олишса, қарилик гаштини хотиржам суравередилар.

Муҳаммад ЮСУФ

ВАТАН ЖОНГА ЖОНДАН ЯҚИНРОҒИМСАН



Ватан

Эй менга эртаклар сўйлаган замин,
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг.
Узгалар наздида боғи Эрамни
Жийданг яроғига олмасман сунинг.
Ватан, қайда бўлмай сен ҳамроҳимсан...
Боболарим ётар саждагоҳимсон!

Офтоб келин тушган боғларинг кўркам,
Ялпизлар ястанган дала-даштларинг.
Осмонга туташган оқтерак ўлкам,
Кунглимда ўзгача сайру гаштларинг.
Ватан, қадрим уйи-хонақоҳимсан,
Момоларим ётар саждагоҳимсан...

Олтин бешик узра аллалар айтиб,
Ҳамиша бедорим-онаизорим.
Жилғаси жаранги тонгда уйғотиб,
Юрагимга кириб келган баҳорим,
Ватан, кунда боқиб тўймайин, кимсан —
Оқ оғриниб ботар саждагоҳимсан...

Суйиб сайм-танимга солган сен чўғни,
Пойинг ўпсам арзир чўккка тушиб тиз.
Сен-ку мангудирсан мен борми-йўқми,
Мен қайдан кунимни кўрардим сенсиз.
Ватан, жонга жондан яқинроғимсан,
Қавмим илдиз отар саждагоҳимсан...

Алқаб мени кузат, илҳақ мени кут,
Эй бир парча булут, эй бир парча йўл.
Омон бўл, сен борки дунёлар унут —
Сенинг ҳузурингга элтар барча йўл.
Ватан, мен келсам ҳам келган ёғимсан,
Кетсам ҳам асқотар қароргоҳимсан!..

Талабалар мадҳияси

Алп ўғлонлар ўлкаси бу қўҳна Турон
Қалқонлари, қанотлари илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари илм истанг!..

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган
Аждодингиз уй қурмаган — Давлат қурган.
Юрти учун елкасида тоғлар сурган
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.

Кўз очгандан кезиб етти баҳри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Беҳзодлари илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин.
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин —
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркли элнинг қанотлари илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари илм истанг.

Аллоҳ гўзал

Нажмиддин Комилга

Орази гул, ҳусни ҳилол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал.
Мутлақ камол, мутлақ жамол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Арш аркида султон ўзи,
Беайбу бенуқсон ўзи.
Пойига чўк, ул Зулжалол.
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал.

Дийдори бир ширин умид,
Азал вужуд, абад вужуд.
Кимга аён, кимга хаёл,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал.

Наҳри зилол, баҳри баҳор,
Гул чеҳра ёр, нур чеҳра ёр.
Оромижон, ошуфтаҳол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал.

Тупроққа жон этмиш ато
Момо ҳаво, Одам Ато.
Лойдан одам ясар кулол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Шоир тилак-таъбим ўшал,
Руҳим ўшал, Раббим ўшал.
Аллоҳу акбар, эй Билол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал!..

Кўзмунчоқ

Ойдинга

Мушфиқ қушдай муштипар,
Кунгил сири пинҳонсан.
Шуринг қурсин сингилчам,
Ўз уйида меҳмонсан...

Омонатдир ота уй,
Бу хуш чоқлар омонат.
Қўлингдаги арзон шу
Кўзмунчоқлар омонат.

Ҳамма сенга қариндош —
Харидор ўзилмайди.
Кунглингга ким ёқишин
Ҳатто, онанг билмайди.

Ўзим билан ўзим банд,
Ёнишларинг кўрмасман.
Аканг бўлиб мундоқ бир
Кунглингни ҳам сўрмасман.

Сен кетарсан кўзга ёш,
Балдоқ тақиб қўлингга.
Ёдгор бўлиб қолади
Кўзмунчоғинг синглингга...

Қизлархон

Қизлархоним қизларнинг сарасидан,
Муччи олсам қошларин орасидан.
Аразласа айланай аразидан —
Қизлархоним қизларнинг сарасидан...

Қизлархоннинг доғида қўйганим рост,
Ўндами ё ун бирда суйганим рост.
Кулоғига айтишга бўйим етмай,
Қўлчасига гул ташлаб қўйганим рост.

Қизлархон қизлигидан таниш эди,
Қайда қурмай қилгани нолиш эди.
Эринмайин эшитсам нолишини,
Билагимга тўпиғи болиш эди...

Қизлархоннинг қилиги ҳам ёрарди,
Лабларин шаккари тил ёрарди.
Қўлим тегса қўлига кўзим тиниб,
Кокил ейса кокили гул тарарди.

Қизлархон деб не қиздан кечган эдим,
Ўлсам айрилмай деб онт ичган эдим.
Қизлархонни қизганиб ўзимдан ҳам,
Ўпсам бир бор ўпиб ё қучган эдим...

Сабил севгим энди мен қайга қўмай?..
Кетиб қолди Қизлархон «хайр» демай.
Ёшлиқда қунгил берган ёмон экан —
Ўндами ё ўнбирда севмай ўлай!..

Муҳаммад Юсуф

Азиз муштарий! Сизга маълумки, Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» номли асарининг биринчи ва иккинчи китоблари минглаб китобхонлар томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқиб чиқилди. Ва... учинчи китоб ҳам ёзилди.

Ёдингизда бўлса, гезетамизнинг йил сўнгидаги сонларида янги китоб бобларидан парчалар эълон қилинган эди. Шундан сўнг жуда кўплаб хатлар олдик ва телефон қўнғироқлари тинимсиз жиринглаб, асарнинг давомини ҳам чоп этиш сўралган таклиф ва истакларингизни етказиб турибди. Илтимосларингизни Тоҳир акага билдирдик. Адиб учинчи китобнинг янги бобларини таҳририятимизга тақдим этди.

Тоҳир МАЛИК

«ШАЙТАНАТ»

Учинчи китобдан боблар

III Боб

... Бир денгизчидан «аҳвол қанақа?» деб сурашса, «кайфиятлар аъло, чуқяпмиз», деган экан...

Ҳамдам Толиповнинг алам билан айтган бу гапи Зоҳиднинг ярадор қаловини тирнаб, азоб берди. Ҳамдам шу гапни айтмаса ҳам Зоҳид ботқоққа ботаётганини сезиб турарди. Денгизчининг кайфияти аъло бўлишига асос бор — ҳар қалай тоза сув бағридан макон топади. Улар-чи? Қуланса ботқоқданми? Наҳот ботқоқдан қутулишнинг иложи бўлмаса? Зоҳид шу ботқоқда чиримоқ учун илмдан воз кечиб шу йўлга кирганмиди? Чукаётган одам «тирик қолармикинман» деган умидда хасга ҳам тирмашаркан. Зоҳиднинг кўзига баъзан ўша хас ҳам кўринмай кетади. Ана шундай ҳолда у доно бир маслаҳатчига муҳтожлик сезади. Унга ким доно маслаҳат бера олади? Отасими, онасими? дардини уларга айтса, жавоб тайин: «Қуй ўғлим, шу ишингни йиғиштир, бу соҳада ким барака топибдики сен топсанг...» Уларнинг энг доно маслаҳатлари шу. Ё илмдаги устози Ҳабиб Саторович тўғри йўл кўрсатадими? Унинг айтадиган гапи: «Сен илмга хиёнат қилдинг, энди хиёнатчи сифатида жазо топяпсан...» Балки Ҳамдам Толипов доно маслаҳати билан қалб ярасига малҳам қўяр? Унинг маслаҳати ҳам аниқ: «Шартта ушлаш, шартта қамаш, шартта отиш керак! Дастурхончи хотинга ухшаб ҳамманинг кунглига қараб иш тутилса, ҳеч нимага эришиб бўлмайди...» Ҳамдам шунга ўхшаш маслаҳатини берадию унга ҳал қилинмаса бир-икки сўкиб, қўл силтаб қўя қолади. Бу соҳада Зоҳидга тўғри маслаҳат бера оладиган одам — майор Солиев.

Зоҳид Ҳамдамдан илмоқли гап эшитиб, қалб яраси таталангач, ўзининг ёғига ўзи қовурилиб юрди. Хаёлнинг минг бир қўчасига тентираб кириб, довдираб чиқди. Охири майор Солиевни топиб, дардини айтди. Бу соҳада турли найрангларга дуч келавериб пишиб кетган майор шогирдининг гапларини диққат билан эшитиб, сукутга толди.

Зоҳид «бу сукут фикрларимнинг тасдиғи лозим» деган хаёлга бориб, тасдиқнинг тил билан ифода этилишини, яъни «тўғри, уларга ишонма, барчаси найрангбоз, товламачи», дейилишини кутиб, ёнмоққа, ёнмоқ нима экан, портламоққа тайёр эди. Пича фурсат ўтгач, ёнмаслиги ҳам, портламаслиги ҳам аён бўлди — майор у кутмаган гапни айтди:

— Хулоса чиқаришга шошилма, — деди у вазмин оҳангда. — Балки юқоридагилар бир нарсани ўйлашгандир. Сен билан биз бир қўрғонга дуч келганмиз, уни эгаллашга қурбимиз етмайди. Алам қиладиган ери шуки, бу қўрғонни кўз олдимизда тиклашди. Айрим биродарларимиз уларга дастёрлик қилиб: «Мана бу ерини мустаҳкамроқ қилинг», — деб маслаҳат беришгани учун ҳам бизнинг бу қўрғонга хужумимиз бетонга кесак отган билан баробар бўлади. Бу қўрғонни олиш учун мўлжалга аниқ урувчи замбараклар керак. Бизга ўхшаган пиёдалар ишни бузиши мумкин. Балки қўрғонларининг мутлақ бехавотир эканига тўла ишонишлари учун уларга шароит яратиб беришмоқчидир. Агар уларда шундай ишонч қатъийлашса, зийракликлари сусаяр, қўрғонни бир ҳамла билан олиш имкони яралар?

— Ўх-ўх... — деди Зоҳид, ҳафсаласи пир бўлиб, — Гапга ҳам тўн кийдирвордингиз. Сиз айтгандай арқон узун ташланса, улар қўрғонларини шундай мустаҳкамлаб оладилар-ки, кейин унга атом бомба ташлаб ҳам тинчита олмайсиз.

— Атом бомба таъсир қилмаса, водород бомба бор, нейтрон бомба бор, — деди майор Солиев ҳазил оҳангида. Майор камдан кам ҳолларда ҳазиллашарди. Ҳозир шогирдининг тутаб турганини кўриб, атайин гап маромини ҳазил оҳангига бурган, шу орқали таранг тортилган асаб торларини сал юмшатмоқчи эди. Лекин унинг бу мақри иш бермади.

— Мақсуд ака, айтаётган гапларингизга ўзингиз ҳам ишонмаяпсиз. Менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилардингиз?

— Ҳе, жўжахўроз, — деди Солиев, энди эркалаш оҳангида, — сенинг ўрнингда мен кўп марталаб бўлганман.

— Ҳар сафар шунақа чекинганмисиз?

— Чекинмаганман, сабр қилганман. Чекиниш бошқа, сабр бошқа. «Сабрлига тоғлар эгар бошини», деган мақолни эшитмаганмисан?

Зоҳид майорни тушунмади. Ҳамиша адолат учун курашиб келган одамнинг бу гаплари сабр эмас, чекинишдан далолат эди. Одам суяниб, паноҳ топишни мўлжал қилган қоя тош эмас, нураб, йиқилай деб турган пахса девор экани маълум бўлгач, қандай ҳолга тушади, тасаввур қилиб кўринг-а? Зоҳид шу ҳолга тушиб янглишган эди. Чунки Солиев вазирликка чақирилганини, Асадбекка алоқадор ишларга аралашмай туриш ҳақида топшириқ олганини унга айтмади. Солиев дастлаб сукут сақлаганида шу топшириқни ўйлаган эди. Икки юқори идорадан бир хилда топшириқ бўлдими, бу демак, масала Асадбеклар фойдасига ҳал этилиши жараёнида эмас. Юқоридагилар қандайдир режани пишитишган. Ишга ҳалал бермасликни сурашдими демак, бажариш шарт! Солиевга ҳам «вақти келганда бу ишга сизни жалб этамиз», дейишди. Демак, сабрдан ўзга йўл йўқ. Агар Зоҳидга ўхшаб «бетон деворга кесак отавераман», деса, истеъфога чиқишни таклиф этишлари турган гап.

Солиев шогирдига яна насиҳатлар қилиб, унинг попугини бир оз пасайтирмоқчи бўлди. Лекин қалб ярасига малҳам қўя олмади. Малҳамни икки кундан кейин яна ўша ҳамкасб йигит — Мирсултонов қўйди.

Зоҳид сўнгги учрашувдан сўнг энди уни анчагача кўрмасам керак, деб ўйлаган эди, барвақт йўқланиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди. Шу сабабли ажабланганича унинг ҳузурига йўл олди.

Мирсултонов уни хушкайфият билан қаршилади.

— Ишлар қалай? — деб суради у, Зоҳидни ўтиришга таклиф этгач.

— Ишлар ёмон эмас, — деди Зоҳид, сўнг Ҳамдамнинг кесатиқ гапини қистириб қўйди. — Чукяпмиз!

— Чукяпмиз, денг? Қизиқ масала... Кимдир чукса, сув айбдорми ё сузишни яхши билмаган одамнинг ўзими?

— Ботқоққа чукиш учун сузишни билишнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ.

— Ботқоққа денг... Эски пластинкани айлантиришни яхши кўрар экансиз. Битта ашулани эшитавериш жонингизга тегмайдими?

— Агар ҳақиқат ашуласи бўлса...

Мирсултонов унинг гапини бетакаллуф тарзда узди:

— Суннатуллаев ишини ёпинг, деб буйруқ беришдими?

Зоҳид фикри бўлинганидан ғашланса-да, сир бой бермай жавоб қайтарди:

— Буйруқ эмас, маслаҳат беришди.

— Сиз-чи?

— Мен ўйлаб кўраман, дедим.

— Кескин тарзда рад жавоби бериб, сўнг бизга рапорт ёзишингиз керак эди.

— Сабаб?

Мирсултонов жавоб ўрнига савол назари билан тикилди. Зоҳид бу қарашдан «шунга ҳам фаҳминг етмадими?» деган саволни ўқди. «Мен рапорт ёзаман, булар эса рад этишади. Сўнгра Суннатуллаев иши батамом тўхтатилади. Ишнинг ёпилишидан буларнинг ҳам манфаатдор эканликлари аён бўлади. Кимга аён бўлади? Асадбекками? Шахмат ўйинидаги пиёданинг арзимас, ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган юриши-ку, бу? Шунақа паст юришлар билан ўйинни ютишмоқчими?».

— Хўп, яхши, — деди Мирсултонов қатъийроқ оҳангда. — Улар сизга яна айтишади. Унгача мана бу билан танишиб чиқинг. — У шундай деб қоғозлар боғламини узатди. Зоҳид биринчи саҳифага кўз югуртирди: Жамшид Суннатуллаевнинг жиноий иши. Зоҳид бу «Иш» билан юзаки таниш, жиддийроқ шуғулланишга ҳали фурсати етмаган эди. Бу «Иш»нинг Мирсултонов қўлига тушиб қолганидан ажабланиб, унга қаради:

— Бир қизиқиб кўринг, фойдаси тегиб қолади. Унинг улганига ишонмаяпсиз-ку, демак, яна учрашиб қолишингиз мумкин. Қоғозларни менга эрта-индин қайтарасиз.

— Ҳозироқ қайтаришим мумкин. «Иш» билан танишиб, керакли жойларини ёзиб олганман.

(Давоми бор.)

(«Шайтанат»ни чоп этиш ҳуқуқи «Шарқ» нашриёт матбаа концернига берилган)

МУЧАЛ БЎЙИЧА БАШОРАТ

СИГИР ЙИЛИ

Мучал ҳисоби бўйича сичқон йили тугаб, мана сигир йили ҳам кириб келди. Бу йил қандай булади, деган савол кўпгина муштарийларни қизиқтириши табиий. Сигир йилида барчанинг қаттиқ ишлашига тўғри келади. Айниқса, йил қишлоқ хўжалиги учун қулай келади. Дўл, қурғоқчилик кутилмаётир. Хўш, сигир йили бошқа мучалдагилар учун қандай бўлади?

СИЧҚОН — Сичқоннинг ўтган йили тежамкор иш юритганлиги яхши бўлди... Зеро, у ишлашни хуш кўрмайди.

СИГИР — Ажойиб йил. Унинг меҳнати тақдирланади, ўз кучига ишонади.

ЙЎЛБАРС — Унинг учун энг оғир йил. Етти ўлчаб, бир кесадиган йилдир.

ҚУЁН — Дипломатияни қўллаб, қуён талофатсиз нохуш вазиятлардан чиқиб кетади.

БАЛИҚ — Катта ваколатларга эга бўлган балиқ ўзини яхши хис этмайди, бироқ у бунга қаршилик кўрсатиш учун етарли равишда кучга эгадир.

ИЛОН — Сигир йилида у жуда дангаса бўлади, шу боис йил ўтгунига қадар сабр-қаноатли бўлиши лозим.

ОТ — Севги учун яхши йил. Ишларида ҳам омади келади.

ҚУЙ — Қуй учун ниҳоятда ёмон йилдир. Қишлоқни севиши мумкин.

МАЙМУН — Ҳаммаси жойида кетади. У воситачиликдан фойдаланиб, танг вазиятдан чиқиб кетади. Сигир унга дўстона муносабатда бўлади.

ТОВУҚ — У ўзини бехатар ҳис этади. Тантана қиладиган. Агар ишлашига тўғри келса, бунинг ҳам уддасидан чиқади.

ИТ — Жуда оғир йил. Ғалваларга учраши, ўзини ҳавф-хатарга қўйиши мумкин.

ТУНҒИЗ — У ҳамма нарсага мослашиб кетиши мумкин. Лекин яхшиси эҳтиёткор бўлгани маъқул.

«Меҳмонхона»

ЙЎҚОЛГАН СОАТ... ВА ТОПИЛГАН СОАТ

Соат Шариповни жуда кўп ахтардим. Топиш анча қийин кечди. Баъзан у ҳақдаги миш-мишларга ишонишга тўғри келди. Энди топиб, учрашув кунини белгилаганимизда эса яна йўқотиб қўйдим.

Кейинги гал учрашганимизда эса..

— Соат ака, ўзингизни нима билан оқлай оласиз?

— Аввало узр сурайман. Хабарингиз борми, йўқми мен футболнинг ашаддий мухлисиман. Терма командамизни қўллаб-қувватлаш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатига кетгандим. Афсуски, 250 га яқин мухлис билан терма командамиз қандай борган бўлса, шундай қайтиб келди.

— Мен футболдан йироқ одамман. Шунинг учун суҳбатимизни бошқа мавзуга бурамиз.

— Бемалол.

— Суҳбатимиз сарлавҳаси «Йўқолган соат... ва топилган соат».

Фикрингиз.

— Соатлар батареяли бўлади. Қуввати тугаса тўхтайди. Яна соатлар бўлади, тоб бермасангиз тўхтаб қолади. Менинг йўқолишимга ҳам, юрмай қолишимга ҳам одамлар сабабчи. Албатта бу ҳазил. Соат топилмаса ҳам вақт ўтаверади-ку.

— Соат ака машинангизнинг номери ҳали ҳам «33—33». Наҳотки ўзингизга, қилган ишларингизга берган баҳоингиз ўзгарган бўлмаса.

— 11 йилдан буён шу номерда юраман. Менга «3» қадрдон бўлиб қолган. Балки 1997 йилда яхши номерга етарман.

— Мен билан «Соат Шарипов — артист эмас, «Чархпалак» фирмасининг директори?»

— Санъаткор учун бизнес бошқа олам экан. Бу ишни бошлаганимда анча қийналдим. Фирма иш бошлаганида оддий арматура, металл нималигини тўғриси билмасдим. Энди кечқурун соат 1.00да уйготиб сурасангиз ҳам қулингиздаги темир нимадан ишланганлигию, неча размерда эканлигини кўзимни юмиб айтиб бера оламан.

— Фирмада қолмоқчимисиз ёки кўрсатув тайёрлаш ниятингиз борми?

— 1996 йилда эфирга чиққан «Ғолиб кўрси» кўрсатуви муваффақиятсиз чиқди. 1997 йилда эса «Келин-куёв» кўрсатувини тайёрламоқчиман. Албатта бу кўрсатув зўр бўлиши керак. Олтита курсатувимнинг ҳаммаси конкурсли эди. Энди мен бу усулдан воз кечдим.

— Агар сир бўлмаса, «Келин-куёв» кўрсатуви ҳақида...

— Янги йилда томошабинлар минг эшитгандан кўра бир марта кўрсалар яхши буларди.

— Соат ака, менимча сизни томошабинлар ҳинд қўшиқларингиз билан илк бор танишган бўлса керак. Умуман қўшиқчи бўлишни орзу қилганмисиз?

— Артист бўлмаганимда ҳам қўшиқчи бўлмасдим. Чунки менда овоз йўқ. Балки шарқ қўшиқлари, ҳинд қўшиқларини ижро этган бўлармидим. Ҳеч қачон ўзимни қўшиқчи деб тан олмайман. Ҳавас бошқа, саҳнада қўшиқ айтиб мухлис орттириш бошқа.

— Кўпчилик сизни Ҳусан Шарипов билан ака-ука дейишади.

— Ҳусан ака билан саҳнадагина ака-ука бўлишимиз мумкин. Ҳаётда бошқа-бошқа одамлармиз.

— ТВ°4 каналида «Интер-Спорт» кўрсатуви бошловчиси Санъат Шарипов-чи?

— Одамларнинг бу гапи тўғри. Санъат менинг ўғлим. Бу йил мактабни битказиб, ўқишга киролмади. Омадини эса телевидениеда синаб кўрди.

— Ишга жойлашишда ўғлингизга ёрдамлашганмисиз?

— Фўқ, мен ҳеч қачон унга бундай тайёр имконият яратиб берган эмасман ва яратиб бермайман.

— Башоратларга қараганда одамнинг исми ҳам кўп нарсани белгиларкан. Демоқчи бўлганим исмингиз кўп учрамайдиган...

— Исмимнинг «соат» бўлишига бемаҳал йиғлоғилигим сабаб бўлган. Раҳматли онам айтардилар, чақалоқлигимда йиғлоқи бўлган экан. Мен — соатман. Ҳамма мен билан ҳисоблашади. Хоҳ у шошаётган бўлсин, хоҳ ишда бўлсин...

Тонг отади, кеч киради, кеч киради, тонг отади. Шу вақтда бизнинг ҳаёт ўтади. Утиш керак бўлган вақт шунақанги ўтсинки, қувончли воқеаларга тўла бўлсинки, унинг қайси бирини эслаб хотирлашга вақт топилмасин. 1997 йил Соатларининг ҳар бир секунди янги-янги шодликлар келтирсин.

Лайло КАРИМОВА,
«Туркистон» мухбири.

Бу турфа олам

Бир ҳафталик мотам

Бразилиянинг Рио-де Жанейро шаҳри аҳолиси бир ҳафталик мотам тутмоқда. Мусибат сабабчиси... Тау исмли шипанзе «Диариу Офисиал» ҳукумат газетасининг хабар беришича, мотам белгиси сифатида шаҳар ҳайвонот боғи дарвозаси пештоқига Бразилия миллий байроғи осиб қўйилган.

Тау қандай каромат кўрсатибдики, бразилияликлар унга бу қадар ҳурмат-эҳтиром кўрсатишмоқда?

1988 йили Рио-де Жанейро шаҳар бошқарувига ўтказилган сайлов қутилмаганда шимпанзе Тауни шон-шуҳратга буркади. Мамлакатдаги сиёсий кучлардан бирининг саъй-ҳаракати билан юқори лавозимга даъвогарлар қаторида маймуннинг ҳам расмий номзоди қўйилди. Ҳа, ушанда барча даъвогарларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Чунки, Тау салкам ярим миллион овоз тўплаб, рақибларини шоширириб қўйди. Сайлов натижаларига кўра, учинчи уринни эгаллаган маймуннинг амалдор бўлишга бир баҳя қолувди.

Шаҳар рақобарияти Тау хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳайвонот боғида унга махсус ёдгорлик урнатмоқда.

Олтин Ўрданинг олтин тангалари

Кейинги кунларда Россиянинг Саратов чайқов бозорларида XIII-XIVасрларга тегишли кумуш ва мис тангалар пайдо бўлиб қолди. Маълум бўлишича, бу тангалар Соҳибқирон Амир Темур томонидан забт этилган Олтин Урда давлатига қарашли Укук шаҳри харобаларидан қазиб олинаётган экан. Албатта, бу иш ҳаваскор ўлкашунос «ватанпарварлар» ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Айниқса, кузги ёмғирлар тарихий ёдгорликлар устини қоплаган тупроқ-лойларни ювиб, ўлкашунослар самарали меҳнат қилишига ёрдам бермоқда.

Чайқов бозорида ҳар бир танга ярим миллион россия рублига баҳоланмоқда.

Энг қизиғи шундаки, Саратов давлат университети олимларидан бирининг айтишича, Укук хазинасини қазиб олишга Россия давлатининг маблағи етмаётган эмиш...

Сел эмас, аммо...

Кубанда элкетр токи узатиш тармоқлари издан чиқди. Бунга кун бўйи майдалаб ёққан ёмғир сабабчи бўлди. Тўғри, ҳеч қандай сел келгани йўқ. Бироқ, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши натижасида ёмғир томчилари электр симларида музга айланди. Оқибатда, ҳосил бўлган 6 сантиметр қалинликкача етган муз қопламаси оғирлигига бардош беролмаган симлар узилиб туша бошлади.

Ҳозирча 30 қишлоқ ва шаҳарчага электр етказиб бериш тикланди. Ҳали яна 50 қишлоқ ва овул аҳолиси қора чироқ ёқиб ўтирибди.

(ЎзА).

Ҳар бир халқда янги йил байрами ўзгача нишонланади. Баъзи мамлакатларда янги йил қиш ойида, баъзиларда эса баҳор ойида кириб келади. Масалан жуда кўплаб Шарқ давлатлари ҳамда Ўрта Осиёда хусусан Ўзбекистонда янги йил баҳор ойида кириб келади. Хитой халқи ҳам Ғарб услубига кўра янги йилни 31 январда нишонлайдилар. Бу оилавий байрам ҳисобланиб, бу байрамга тайёргарлик ўн иккинчи ойнинг йигирма тўртинчи санасида бошланади. Хитой одатига кўра, уйлар ортиқча кераксиз нарсалардан тозаланади ва эшиклар яхши тилаклар ёзилган жуфт шаклдаги қизил қоғозлар билан безатилади. Одатга кўра янги йил байрамини нишонлаш учун, ҳар йили янги йил печеньеси тайёрланади ва ташриф буюрган меҳмонлар учун махсус тортилади. Бу печеньенинг номи «няньгао» деб аталади. Бу печенье гуруч уни, картошка пюреси ва турупдан тайёрланади.

Қадимги Хитой афсоналарига кўра, қадим замонларда «нянь» исмли қўрқинчли махлуқ бўлиб, у ҳар йили бир маротаба Хитойнинг шаҳар ва қишлоқларига қирғин келтирар экан. Бу қўрқинчли махлуқ шовқинли товушлардан ва қизил рангдан қўрқар экан. Буни билиб олган хитойликлар кўпчилик бўлиб шовқин қилишиб, уйларнинг деворларига, эшикларига қизил қоғозларни ёпиштириб қўйганлар. Шовқин-суронни эшитган, қизил рангларни кўрган махлуқ қўрқиб бу ерлардан қочиб кетади. Шу-шу бу жойларга қайтиб келмайди. Хитой халқи эса шу куни байрам қилади. Кейинчалик эса улар бу кунни янги йил байрами сифатида нишонлашади. Печенье номи ҳам шундан келиб чиққан.

Янги йил хитойликлар учун муқаддас байрам ҳисобланади. Ким қаерда бўлмасин, янги йилни кутиш учун уйларига кечқи овқатга етиб келадилар. Болаларга кечки овқатдан сўнг совғалар улашиш маросими бошланади. Катталар болаларга «ясуйцянь» янги йил пулини совға қиладилар. Қадимги Хитой одатига кўра, янги йилга совға сифатида қизил қоғозга ўралган тилла танга ёки қизил тасмага тизилган бир неча танга тақдим этилар эди. Ҳозирги пайтда эса хитойликлар болаларга — янги йил кириши арафасида катта қизил конвертга солинган «Хунбао» замонавий совғалар ҳадя қиладилар. Байрам туни билан давом этади. Янги йилнинг биринчи куни одамлар янги кийимбошлар киядилар ва қариндошлар, ёру-биродарларини янги йил билан табриклайдилар. Янги йилнинг дастлаб биринчи куни кўришган ҳар бир киши билан одатга кўра бир-бирига «Гун-си фа цай» (сизга бахт ва омад) деган сўзни айтишади ва бир-бирларини янги йил билан табриалашади. Бу сўз хитойликлар урф-одатига кўра янги йил билан табриклаш қоидасига киради. Хитойда янги йил байрами ўн беш кун давом этади.

Нодир ПЎЛАТОВ,
ТошДУ Халқаро журналистика бўлими 2-курс талабаси.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Вужуди қақшаб турган бемор телефон қилди:

— Кечирасиз, мен қаерга тушдим?

Аллаким ҳирингилади:

— Жиннихонага тушдингиз.

— Қайси жинни билан гаплашаяпман?

— Дуд... д уд...дуд...

***

Зарнинг зури билан дўхтир бўлиб олган йигит ҳовузда вақиллаб сайраётган қурбақаларни кўрсатиб ажабланди:

— Нега қурбақалар ёзинқишин сувда юрса ҳам шамолламайди?

— Шуни ҳам билмасанг институтда олти йил вақиллаб юрган экансан-да, — деб кулди ҳамроҳи.

***

Уй қураётган бир киши отарчилар йиғиладиган жойга бориб, қориндор йигитдан сўради:

— Томшувоққа талабгор борми?

— Томшувоқ бизни тилда текин хизмат дегани бўлади, тақсир.

— Сиз бошқа бозорга боринг, — деди йигит энсаси қотиб.

***

Дўхтир қабулига кирган бемор ажабланди:

— Рентгенга туширмай упкамда дард борлигини қандай билдингиз?

— Бизнинг кўз рентген нуридан ҳам ўткир: чўнтагингизда қанча пулингиз борлигини ҳам кўраолади, — деб кулди дўхтир.

ХХI АСРНИ ҚАЧОН КУТИБ ОЛАМИЗ?

Дунёнинг турли мамлакатлари ёшлари орасида ўтказилган суров натижалари қизиқ бир фактни ойдинлаштирди. Аниқланишича, уларнинг кўпчилиги янги асрни 2000 йилнинг 1 январида кутиб олишмоқчи экан. Тўғри, бундай хатога 2000 йил учун турли башоратлар чоп этаётган газета ва журналлар айбдор. Улар якунловчи ўчта нолга чалғиб қолишган, шекилли. Қизиғи бу каби англашилмовчилик XIX аср охирида ҳам кузатилган эди ва ўша вақт ҳам ўчта нолга чалғиган газетчилар янги аср кирди, деб катта шов-шув кўтаришганди. Газета иншоотларида, турли бошқа жойларда ҳам роса бир йил олдин шампанлар ичилиб, байрам қилинган бўлса-да, 1900 йил XIX асрни якунлаган эди, холос. XX аср эса 1901 йил 1 январдан бошланган эди. Бу сафар ҳам, шу каби, XXI аср 2000 йил 1 январдан эмас, 2001 йил 1 январдан бошланади. Демак, янги аср билан юзма-юз келиш истагида бўлганлар яна уч йил эмас, балки тўрт йил сабр қилишлари керак.

ОДАМНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

1654 йил Армах епископи Жеймс Ашер ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмай исботлаб берганки, одам ва ер Худо томонидан эрамизгача 4004 йилда яратилган экан. Орадан 300 йил ўтди. Одамнинг ёши ҳозир ўнлаб минг йилликларга тенглаштирилади. Яқин-яқингача ҳам одам 4—4,5 миллион йил аввал пайдо бўлган, деб фараз қилинарди. Ҳозир эса у яна «қандайдир» ярим миллионча йилга «қариб қолган» ва худди шу «қариб қолиш» олимларни инсоният тараққиётига яна бир марта назар ташлашга мажбур қилди.

Қадимги ҳинд донишмандлари эрамизгача минг йил аввал ҳам «Ернинг ёши 4,32 миллиард йилга тенг», деб ҳисоблашган экан (илмий асосларга кўра, ҳозир ер 4,5 миллиард ёшда). Бу эса турли фарқларни келтириб чиқаряпти. Одамга қизиқ эмасми, ўзининг неча ёшдалигини билиш? Олимлар ҳозир шу ҳақда бош қотиришяпти. Лекин бу ҳали-бери ойдинлашадиган масала эмас.

Аваз БЕРДИҚУЛОВ.

«Туркистон» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ масъул котиби Тўрғун Назаровга отаси **Эргаш НАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Аваз БЕРДИҚУЛОВ.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97;
хатлар бўлими — 36-54-64;
тижорат бўлими — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-46.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълондар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 011.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 10.826
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 20.30
1 2 3 4 5 6